

Залда ҳозир бўлганлар давом
ли қарасалар остида Совет Ит
фоқи Коммунистик партияси Ма
казий Комитетига, ўртоқ Н. С
Хрушчевга табрикнома юборди
лар.

Тантанали йиғилиш қатнашчи
лари учун катта байрам концер
ти берилди. (ЎЗАТ).

СССР Мудофаа Министрининг
Б У Й Р У Ъ И

Москва шаҳри

Совет Иттифоқи

Коммунистик қурилиш барча ғалабаларининг илҳом
чиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунисти
партиясига шон-шарафлар бўлсин!

Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.

Ж. НЕРУ ШАРАФИГА А. Н. КОСИГИН
ХУЗУРИДА ЗИЁФАТ

Секретари Г. А. Перу. Дипломатический ящик.

Шу билан бирга ҳарорда қайд қилинадик, илгор ҳужаликлар прогрессив усулларни деҳқончиликка жорий этиб, шол, маюча, ҷужора ва боқца донли эккиларнинг ҳосилдорлигини оширмоқдалар.

Қазақиян Комитетин
ССР Министрлар
ида ҳамма турда
ишларин ялли ҳосил
186 миллион пуда,
товар дон етишил
ишон пуда етказил
ириқ белгилади.

Бекободдаги цемент заводи асботруба цехининг илгор иш-
чис, коммунистлик меҳнат бригадасининг аъзоси Ўлдош Каримов КПСС XXII съезди парашага меҳнат ваҳтасида ишлаб,
янгида-янги ютуқларга эришмоқда. У смена тоширигидари,
ин ҳамиша ортиги билан адо этаётир. Суратга: ўртоқ И. Ка-
римов. М. Нуриддинов фотоси.

.....

маи ҳафталик ўқувлари, ҳафталик
ва совхозлар КПСС Марказий К
митети январь Пленумининг т
хий қарорларидан руҳлантила
ҳолда беслужиямиз кишлоқ
жалалигини барча тармонда
риwohlантириши билан бир қатор
дон этиштиришининг кескин қў
йилишини таъминлаш учун ўз қ
дарини аямаллашар.

тиш, лалмнкор ва сугориладиган
ерларда бу экиндар майдонини
тобора кенгайтиришнинг таъмин
лаш вазифасини юқладилар. Б
экиндардан олинadиган ялпи до
маҳсулотни 1961 йилда 5 минг то
ннagача, 1965 йилда эса 18 минг
тоннagача етказишнинг керак,



КОЛХОЗ—БАРАКА ДАРЁСИ

Ички резервларни тўла ишга солиб, хўжалигимизни комплекс ривожлантирашимиз

ТЕЖОҒЛИК ИШ—БЕЖОҒЛИК

БАРЧА РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАМИЗ

— КПСС Марказий Комитетининг янгида бўлиб ўтган январь Пленуми, — дейди артель раиси ўрток Миробид Мирмухаммедов, — бизга қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг программасини чиқиб берди. Айниқса, ўрток Никита Сергеевич Хрущёвнинг Пленумда сўзлаган ёрқин нутқида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорва маҳсулотларини кўпайтиришда резервлар кўп эканлиги кўрсатиб берилди.

Тўғри, кейинги етти йил ичида биз сизлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, хўжаликни ривожлантиришда анчагина ютуқларни қўлга киритдик.

Бироқ, биз масалага шартли ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнатчиларини олдинга қўйган талаблари даражасида ёндошса, ҳали камчиликларимиз кўп эканлигини, ўзимиздаги мавжуд резервлардан тўла фойдаланмаётганимизни равшан билиб оламиз.

Уларнингизга маълум, бизнинг колхоз асосан ғалла, узум, чорва маҳсулотлари етиштириш учун ихтисослаштирилган. Бундан буён ҳам хўжаликнинг ана шу тармоқларини тинмай ривожлантира бориш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Энди ҳар бир соҳага алоҳида алоҳида тўхталиб ўтаман. Ўрток Н. С. Хрущёвнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида сўзлаган нутқида дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисида ҳам қimmatли масалалар берилган ҳаммамизнинг эсинизда.

Овозлар: Ҳа, эсимизда.

— Жуда сод, мен дон хўжалигимизни ривожлантиришда нималарга эътибор беришимиз кераклиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Биз етти йилликнинг биринчи йилида 2228 гектар ернинг ҳар гектаридан 7 центнер 7 килограммдан дон олган эдик. Утган йилда эса ермиш бирмунча кенгайди. 2681 гектар ернинг ҳар гектаридан 10 центнер-у 20 килограммдан дон йиғштириб олдик. Кўриниб, биз йил ичидаёқ гектаридан олтидан дон ҳосилини уч центнерданга оширишга муваффақ бўлдик. Қандай қилиб? Дастлаб шунинг айтиш керакки, биз илгирилари шугорлашга етарли аҳамият бермас эдик. Утган йилда эса дон экиладиган майдоннинг 50—60

проценти шугор қилинди. 3 чинг гектар ерга ғалла эдик. Ана шу ердан 28 минг 850 центнер дон олишга қарор қилганмиз. Биз бу вазифанинг уaldasин чиқоломиз?

Овозлар: Албатта чиқоломиз.

— Гап бошқая, иш бошқа бўлмаслиги учун биз ўз имкониятларимиздан унумли фойдаланишимиз лозим. Мана улар: бегона ўтларни вақтида йўқотишимиз керак, кўкдан бошлангич биланок боронага аўр беришимиз лозим.

Богдорчиликни, узум етиштиришни кўпайтириш масаласига тўхталаман. Бизда ҳаммаси бўлиб 291 гектар тоқор бор. Шундан 131 гектари ҳосил беради. Утган йили бу тоқорларнинг ҳар гектаридан 53 центнер-у 79 килограммдан ҳосил олдик. Бир килограмм узумнинг таннархи эски пул ҳисобидан 1,33 тийинга тушди. Бундай қараганда ишимиз аянишга ўхшаб қўринади. Лекин бу узумчилик шундай соҳаки, қаровини аянишасангиз, ҳосилини йилдан йилга ошираведади. Богдорларимиз билан масалалашдик. Етти йилликнинг учинчи йилида ҳар гектаридан 70 центнердан узум ҳосили олишга аҳд қилидик. Бунинг учун бизда имконият борми? Бор, узоққа бормайлик, ўзимизда фойдаланилмаётган резервларни ишга солайлик. Ҳангизга маълум, бизда ҳаммаси бўлиб 10 та богдорчилик бригадаси бор. Лекин ерлари-ерларига тўташ, бир ариқдан сув ичувчи, тоқ навлари бир-бирига ўхшаш бу бригадалар ҳар хил ҳосил етиштирмоқда. Ҳомид Аҳмедов бригадаси утган йили 20 гектар тоқорнинг ҳар гектаридан 75 центнердан, Мирмуҳаммад Мирўлатов бошлик бригадаси 13,5 гектар-нинг ҳар гектаридан 74 центнердан ҳосил олганларига ҳолда, Балал Турсунов бригадаси гектаридан 28 центнердан, Руҳият Нуртөв бригадаси 31,2 центнердан ҳосил олди. Ана шу қолоқ бригадаларда гектаридан олтидангача ҳосили кўпайтирсак, бир йилнинг ичидаёқ қўшимча бир неча ўн тонна узум ҳосили оламиз.

Иккинчи резерв шунки, богдорчиликдаги ишларни механизациялашга кўпроқ эътибор беришимиз лозим. Қатор ораларини кетмонда чопмасдан, фақат тракторда ҳайлашимиз керак.

Овоз: Тоқларни шпаллерларга кўтариш яхши натижалар берар экан. Бизда бу прогрессив усул қачон қўлланилади?

— Ҳақ гапни айтаяпсизлар. Агар узоқлар шпаллерларга кўтаришса, ҳаводан яхши баҳра олиб ҳосили яхши етилиб, бўл бўлар экан. Биз бу масалани ҳам қараб чиқиб, планлаштирдик. Бу йилча 20 гектардаги тоқоримизни шпаллерларга кўтарамиз.

Овозлар: Бу жуда кам.

— Келинг, дастлабки йил бўлгани учун, шу билан қаноатланиб турайлик, келаси йили кўпайтирамиз.

Сўнгра тоқларни очиб, хомтоқ қилиш, сугориш сингари агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш ҳам ҳосилдорликни кўпайтиришнинг муҳим резервларидандир.

Чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги имкониятларимиз ҳам битмас-туганмас. Дастлаб сут етиштиришни кўпайтириш тўғрисида масалалашиб олайлик. Ўтироғ қилиш керак. Биздаги ситирларнинг ҳаммаси жайдари. Утган йил ҳар бир ситирдан 1381 литрдан сут тоғиб олдик. 1 литр сут эски пул ҳисобидан 1 сўм 7 тийинга тушди.

Овоз: Жуда қimmat. Сут тоғиб олишни механизациялаштирсак, анча арзонга тушарди, уларнинг зоти ҳам яхшилаш керак.

— Тўғри, — деб сўзла давом этди раис. — Бизда ҳалигача ситирлар қўлга соғилади. Энди бу йилдан бошлаб ана шу камчиликни тўлатиш учун курашамиз. Автоюллар келтириб қўйилган, сут тоғиб олиш аппаратларини сотиб олиш учун ҳам маблағ ажратдик. Сутнинг қimmatга тушганлигига сабаб шунки, утган йилда биз четдан 157 минг сўмлик ем-хашак сотиб олдик. Бу йилдан бошлаб қўллаб ошқовоқ, қанд лавлага, озуқа-учун қовун-тарвуз, экин, ем-хашакни четдан сотиб олмаслик чораларини кўрамиз. Бир литр сутнинг таннархини янги пул ҳисобидан 5—6 тийинга келтирамиз.

Овоз: Чўчкачилик фермасига яқин жойдаги шўр бўлоққа сув чиқариш масаласи ҳал қилинса, яхши бўларди. У ерга чўчкалар учун қўллаб қанд лавлага экарлик.

— Тўғри талаб, — деди раис, — бизнинг эътиборсизлигимиз натижаларида ҳақиқатан ҳам 150 гектар ер сувсиз қолиб кетмоқда. Бу йил март ойларидан бошлаб ана шу ерларга сув чиқариш ва экин экиш чораларини кўрамиз. Бундан ташқари, Дўстбувазали бўлоқларнинг кўзини очиб, уларни бирлаштирамиз. Ана шу билангина 15 гектар ерни сугорса бўлади.

Шундай қилиб, бу йил чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадига 30 гектар ерга ошқовоқ, лавлага экишимиз. 580 гектар ердаги бедага камиди 3 марта ўриб, гектаридан 35 центнердан ҳосил оламиз. 310 тонна ширала озуқа, 7830 тонна саноат бостирмажиз. Қўллаб пичан ва сомон жамгарамиз. Бу нима деган сўз. Бу, нолхоз барака дорбеси деган сўз. — Бу — 2 минг центнер гўшт, шу жумладан 360 центнер чўчка гўшти, 5150 центнер сут деганимиз. Шунингдек, отаримиздаги совлиқларнинг ҳар юз бошидан юзтадан кўзи оламиз. Парандачиликни ҳам кескин ривожлантирамиз. Давлатга жами 204.000 донна тухум топишарамиз.

Сўз олгандан сўнг унинг улдасидан чиқмасак, уят бўлади. Шундай экан, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик.

Овозлар: Албатта, сўзимизнинг устидан чиқамиз.

Абдулла ота Матонов 25 йилдан буён колхозда экономист бухгалтер бўлиб ишлайди. Шунинг учун ҳам у, колхоз экономикасини яхши правленеси бу йил баъзи фойдаланилмаётган ортиқча ерлар ҳисобига 100 гектар янги бөг ташини қилишга қарор қилган экан, ҳаммамиз бунга астойдил ёрдам берайлик. Энди хўжалигимизда йўл қўйлаётган баъзи ортиқча ҳаражатлар тўғрисида гапирмоқчиман. Мен гапирадиган гаплар баъзиларга арзимасдек туйилиши мумкин. Лекин тома-тома кўл бўлур деганларидек, арзимас ҳаражатлар жамланганда катта суммани ташкил этади. Масалан, майда инвентарлар, қоп, арқан, ип ва бошқаларни олайлик. Баъзи колхозчилар бу нарсаларнинг қадрига етмай, пала-партиш ишлатади. Қопнинг у ер-бери йиртилиб қолгудек бўлса, дарҳол ямаш ўрнига, то дала-дала бўлгучча ишлатаверишда ва у ишдан чиқадиган бўлса, яқинда ҳисоб-хисоб қилидик. 1959 йилда майда инвентарлар учун эски пул ҳисобидан 81715 сўм, 1960 йилда 103.398 сўм сарфлабмиз. Ахир бу исрофгарчилик эмасми ўртоқлар! Шунинг учун бу йил майда инвентарлар учун сарф ҳаражати 5 минг сўмга келтиришга қарор қилдик. Бунинг учун сизларнинг ёрдами-гиз керак.

Овозлар: Ёрдамни аямаймиз.

Мен маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ёрдам берадиган яна

бир нарсга тўғрисида гапирмоқчиман. Бизда штатларда ортиқчалар бор. Шунинг ҳисобига олиб, 22 табел-нинг сонини 10 тага келтирсак деган қарорга келдик. Утган йили 22 табелчи учун 6000 га яқин меҳнат кунини ёзилган. Табелчилар сонини 10 тага келтирилгандан сўнг 4 минг меҳнат кунини иқтисод қилинади.

Овозлар: Жуза яхши бўларди.

Бундан ташқари, яна битта ветфельдерлик штатини қисқартириб, 400 меҳнат кунини иқтисод қиламиз. Шундай қилиб, биз ўтган йили барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун 317 минг меҳнат кунини сарф қилган бўлсак, бу йил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун кўпи билан 290 минг меҳнат кунини сарф қиломиз. Шунда сутимиз ҳам, донимиз ҳам, гўштимиз ҳам, узумимиз ҳам ўтган йилдагидан арзонга тушади. Меҳнат кунларига тақсим-ланадиган маблағ ҳам қўяяди.

Овоз: РТС ларнинг ремонт учун олаётган ҳақларининг кўпчилиги масаласини ҳам ҳал қилиш керак.

Ҳа, айтгандай шу нарсга ҳам муҳим масала. Утган йили жорий ремонт ҳамда запас қисмлар учун тўланган ҳақлардан ташқари РТС билдан баъзи бир устакхона ишлари учун 120 минг сўм пул олибди. Бу жуда қimmat, албатта. Бу ҳақда биз юқори ташкилотларга мурожаат қилиб кўрамиз.

ЭШТОЕВНИНГ ИЗИДАН БОРАМАН

Сўз колхозининг донгдор чўпони Риза Мундубовга берилади.

— Қўйчиликни ривожлантиришда резервлар кўп, — дейди у, — улардан бири совлиқлардан бир йилда икки марта қўзи олишдир. Мен Ставрополь ўлкасидаги Сталин номи колхозининг донгдор чўпони Иван Малащенко ҳамда унинг ўз областимиздаги издошпи Аширмат Эштоевларнинг совлиқлардан бир йилда икки марта қўзи олиш ташрибаларини кўп билан ўрганиб бормоқдаман.

Отаримиздаги қўйлар, зоотехникимиз айтиб ўтганидек, асосан майин жузли линкольн қўйларидан иборат. Бу қўйларнинг жузи ҳам қimmatли, семирishi ҳам қўлай. Шунинг учун биз чўпонлар ҳар бир қўйни, ҳар бир қўзини кўз қорачигидай асраб парвариш қилишга тир-шамиз. Мен ўтган йили 340 бош совлиқ боқдим. Шуларнинг ҳар юз

бошидан 135 тадан қўзи олдим, ҳар бир қўйдан 4 килограмм 300 граммдан майин жуз қирқиб олгиди.

Бу йилги мақсадим катта. Юкорида айтганимдек, Ўстониқ районидаги «Қизил ту» колхозининг чўпони Аширмат Эштоевнинг изидан бориб, ҳар юз совлиқдан 250 тадан қўзи олишга аҳд қилдим.

Мен бу ерда қўйчиликни ривожлантиришда ем-хашак базасини мустаҳкамлашдаги чўпонларимизнинг бурчи тўғрисида айтмоқчиман. Баъзан эшитиб қоламиз, баъзи бир отарларда ем-хашак етишмаслиги туғайли қўйлар нобуд бўлади, ортиқча кетади. Негаки, чўпонлар ем-хашак жамгарishi билан шахсан ўзлари қизиқмайдилар, бу колхоз правленесининг иши деб қарайдилар.

Мен шундай қилмайман. Ҳар йил май, июнь ойларида ўз оила-миз аъзолари, бригадамиз аъзолари жалб қилиб, икки-уч ҳафта қийинчиликни бўйинимизга оламиз. Кенг баҳорикор ерларимиздаги табиий ўт-ўланлардан қўллаб ем-хашак жамгариб қўямиз. Ана шу ем-хашакимиз келгуси йили қўйларнинг оғзи кўкка теккувча етади. Натижада нобудгарчилик бўлмайди, қўйлар семиз ва соғлом бўлиб, ўз вақтида қўзлайди.



Раис ўрток М. МИРМУХАМЕДОВ.



Зоотехник ўрток Ж. ТУРУСУПОВ.



Чўчкабоқар ўрток М. САНДОВ.



Бог бригадасининг бошлиғи ўрток К. ТУРУСУПОВА.



Экономист-бухгалтер ўрток А. МАТОНОВ.



Товуқбоқар ўрток Ж. ОРТИКОВ.

Мутахассислар билан ҳамкор бўлинг

Раиснинг сўзи тамом бўлгач, мутахассислар билан ҳамкор бўлинг

— Бундан 8 йил илгари ҳар бир қўйдан 700 граммдан жуз қирқиб олардик, — деди у. — 1954 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси чорвачилик илмий-текшириш институтининг профессори Ф. Кияткин ер-дамизда колхозимизга «Линкольн» аотли қўчқорлар келтириди. Биз сунгли урчиштириш қўллабид, ўзимизнинг майин жузли, маҳаллий шираларта мостланган қўйларимизни ву-жуда келтириш йўлида уч йил иш олиб бордик. Натижада мақсадимизга эридик. Ҳозир отаримиздаги қўйларнинг кўпчилиги майин жузли. Ҳар биридан 4—5 килограммгача жуз қирқиб олмақдамиз.

Сергўштдаги айтмайсизми, жуда тез семиради. Ҳар бирининг оғирлиги 100 килограммгача етади. Шунингдек, оғиллар билан ҳамкор-

ликда вужудга келтирган «Ўзбекистон» аотли эчкилардан ҳам, тивити билан қўшиб ҳисоблаганда, 1—1,2 килограммдан жуз қирқиб оламиз.

Овоз: Ҳали бизда жайдари қўйлар кўпи?

— Мен ҳозир шу ҳақда гапирмоқчи эдим, — КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қўйчиликни ривожлантиришда бизнинг олдинга майин жузли қўйларни мумкин қадар кўпайтириш вазифасини қўймоқда. Ҳозир отаримиздаги қўйларнинг деярли 60—70 проценти «Линкольн» аотли қўйлар. Биз мутахассислар билан ҳамкорлигини давом эттирамиз. 1965 йилга бориб, бизда жайдари қўйлар қолмайди, нанимайин жузли қўйларимизнинг сонини 9 минг бошга етади. Шунингдек, қорамоллар зотиини яхшилаш ҳам муҳим резервдир. Утган йили ҳар юз ситирдан 73 та бузоқ олдиди. Бу йил ситирларнинг қисир қилишига йўл қўямиз. Ҳар юз бош ситирдан 85 бошдан бузоқ олиш учун курашамиз.

МАЖЛИСНИНГ ҚАРОРИ

«Коммуна» колхозини аъзолари ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб мавжуд ички резервларни ишга солган ҳолда етти йилликнинг учинчи йилида янги ютуқларни қўлга киритишга қарор қилдилар.

Ғалла етиштириш кескин кўпайтирилди. Бу йил уч минг гектар ерга ғалла экилиб, 28 минг 350 центнер, яъни ўтган йилдагидан 2050 центнер кўп дон ҳосили олинди.

Бу йил колхозда тоқорлардан 310 гектарга етказилди, соҳибдорлар ҳар гектар ердан 70 центнердан узум ҳосили олиш учун курашадилар.

Хўжаликнинг сердаромад тармоғи чорвачиликни ривожлантириш учун ҳам зарур чоралар қўйилди. Колхозда бу йил қорамоллар сонини 1120 бошга, шу жумладан ситирлар 440 бошга, қўйлар 5500 бошга, шу жум-

ладан совлиқлар 3 минг бошга етказилди. Бошқа турдаги чорва туғғи ҳам ўтган йилдагидан анча кўпайтирилди.

Мажлис қатнашчилари ҳамма резервларни ишга солиб, бу йил 2 минг центнер гўшт, шу жумладан 360 центнер чўчка гўшти етиштириш, соғин ситирлардан 5150 центнер сут тоғиб олиш, ҳар юз совлиқдан 100 тадан қўзи олиш, ҳар бир қўйдан 2,6 килограммдан жуз қирқиб олиш, ҳар юз гектар донли экинлар ери ҳисобига 7609 донадан тухум олишга қарор қилдилар.

1961 йилда тузтор майдондан кенгайтирилди. 110 кўти кўти уруғи боқилди ва ҳар кўти уруғдан ўртача 51 килограммдан янги ҳосили олинди.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун ҳам курашамиз. 365 гектар ерга маккажўхори экилиб, мўл-кўл силос бостирилди ва дон ҳосили олинди. Бошқа турдаги ем-хашаклар ҳам ўтган йилдагига қараганда 1,5-2 баравар кўп жамгарилди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини мумкин қадар арзонлаштириш мақсадида колхозчилар ўртасида оммавий сиёсий ва тарбиявий ишлар янада кучайтирилди. Агитаторлар КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини ҳар бир колхозчи оғига етказиб, бригада, эвенларда ҳосилдорликнинг оширилишини таъминлаш учун курашадилар.

Колхозчилар бутун куч ва ғайратларини сафарбар этиб, 1961 йилда зиммаларига олинган бу юксак мажбуриятларни шараф билан бажариш учун астойдил курашадилар.

Колхоз ана шу мақсадларда райондаги «Гулистон» колхозини социалистик мусобақага чиқарди.

Мен икки-уч йилдан бери, богдорчилик бригадасига бошчилик қилиб келаман, — дейди ўрток Каромат Турсунова, — ўтган йили 11 гектар ернинг ҳар гектаридан 49 центнердан узум ҳосили олдик. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларининг мағзини чақиб, бундай ўйлаб қарасам, ўзимнинг ишмдан ўзим қаноат ҳосил қилмай қолдим. Ахир, тоқ парварishi ахшиланса, узум ҳосилини оширишнинг чегараси йўқ-ку. Шунинг учун илгорлар йўлидан бориб, бу йил ҳар гектар ердан кам деганда 80 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдик.

Ҳалво деган билан оғиз чучмайди деганларидек, мажбуриятни олгандан кейин уни бажармасак уят бўлади. Бунинг ҳис қилган бригадаси аъзолари ҳамма таъбиргакиш ишларини амалга оширмоқдалар. Ҳозирги кунгача тоқларга икки марта яхоб бердик. Бошқа агротехника тадбирларини ҳам сифатли амалга оширамиз.

Мен бу ерда колхоз правленесидан бир нарсани талаб қилмоқчиман. Ҳозир райимиз тоқ ораларини ҳайдашда трактордордан кенг фойдаланмоқдамиз, деб айтди. Лекин оқиқ айтиш керакки, тракторлар етишмайди, биз неча бор талаб қилганимизга қарамай, ҳали келтириб бериладиган йўқ. Шунинг учун бу масалада ёрдам беришларини сўрайман. Биз тоқларни очиб, сўйларга кўтариш, хомтоқ қилиш ишларини сифатли ўтказиб, узумдан мўл ҳосил етиштиришга ҳисса қўшамиз.

Борди колхоз — ёғди колхоз деганларидек, ҳамма соҳибдорларимиз бир ёқадан бош чиқариб ишлаб, бу йил колхозимиз бўйича ҳар гектар тоқордан кам деганда 70 центнердан узум ҳосили олинишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Колхоз хўжалигини яхшилатишда резервлардан фойдаланишга бағишланган бу йилда колхоз агрономи Тимовий Нулметов, колхоз партия ташкилотининг секретари Намиг Тўнсанов, жўхорикор бригад бошлиғи Намоз Норматов, товуқбоқар Юра Ортинов ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар. Улар колхознинг етти йилликнинг учинчи йилида ўз зиммасига олган мажбуриятини тўла бажаргани, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини илчиллик билан амалга ошириш йўлида ҳормай-тоғмай меҳнат қилгани деб айтидилар.



Колхознинг майин жузли линкольн қўйлари, эчкилари боқилаётган яйлов. Моҳир чўпон Чикая Аметов йилдан-йилга совлиқлардан кўп қўзи олиб, топириқни бажаришда янги муваффақиятларини қўлга киритмоқда. М. Нуриддинов фотолари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

